
Ўзбекистон туманидаги 1-мактабнинг 100 йиллик юбилейи нишонланди

Ўзбекистон туманидаги “отахон” мактаблардан бири, Яйпандаги 1-умумтаълим мактаби ташкил топганлигининг 100 йиллиги катта тантана билан нишонланди.

Тадбирда мактабнинг собиқ битирувчилари, фахрий устоз ва мураббийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Маросимда қатнашган туман ҳокимининг ўринбосари Муслимбек Аҳмедов барча йиғилганларни шодиёна билан самимий қутлаб, нурли остона ҳисобланган билим масканининг келгуси фаолиятида ҳам улкан ютуқлар тилади.

1924 йилда ташкил топган таълим даргоҳи ўзининг бой ва фахрланса арзигулик тарихига эга. Ўтган бир аср давомида ушбу масканда кўплаб улуғ ва тажрибали устозлар фаолият кўрсатиб, юрт равнақи, мамлакат тараққиётига муносиб хизмат қила билган шогирдларни тарбиялашган. Ушбу эзгу анъана бугун ҳам изчил давом этмоқда.

Мактаб тарихига оид видеолавҳа намойишидан сўнг сўзга чиққан мактабнинг собиқ ва фахрли бир гуруҳ битирувчилари ўзларининг дил кечинмалари, ҳаётларида эришган натижаларида мактаб ва ўз устозлар ўғитининг аҳамияти ҳақида гапиришди.

Фахрий устоз ва мураббийлар эса мактаб тарихига оид қўшимча маълумотлар ва воқеликларни сўзлаб беришди. Ўтганлар хотираси ёдга олиниб, уларнинг ҳаққига дуолар қилинди.

Шу кунги қувончли дийдор давомида дилдан суҳбатлар қурилди. Барча собиқ битирувчилар мактаб ва устозларга бўлган чексиз эҳтиромларини изҳор этиб, билим маскани ҳамда мураббийларга эсдалик совғаларини тухфа қилишди.

Тадбирнинг бадиий қисмида эса, ёш ижодкорлар, бадиий жамоалар ва сўз усталарининг чиқишлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

2024-10-02 21:48:28